

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

РЎЗИЕВА ШАҲЛО ДУРДИҚУЛОВНА

**СУТ БЕЗИ САРАТОНИДА НОЪАДЮВАНТ КИМЁТЕРАПИЯНИ
КОРРЕКЦИЯЛАШ ТАЪСИРИДА СУТ БЕЗИ ТЎҚИМАЛАРИДАГИ
МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

14.00.02 – Морфология

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по медицинским наукам**
**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on Medical Sciences**

Рўзиева Шахло Дурдикуловна

Сут беzi саратонида ноадьювант кимётерапияни коррекциялаш таъсирида
сут беzi тўқималаридаги морфологик ўзгаришларнинг қиёсий
таҳлили..... 3

Рузиева Шахло Дурдикуловна

Сравнительный анализ морфологических изменений ткани молочной
железы под влиянием коррекции неадьювантной химиотерапии при раке
молочной железы..... 19

Ro'zieva Shahlo Durdikulovna

Comparative analysis of morphological changes in mammary tissue under the
effect of correction of non-adjuvant chemotherapy in breast cancer..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published papers..... 41

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

РЎЗИЕВА ШАҲЛО ДУРДИҚУЛОВНА

**СУТ БЕЗИ САРАТОНИДА НОЪАДЮВАНТ КИМЁТЕРАПИЯНИ
КОРРЕКЦИЯЛАШ ТАЪСИРИДА СУТ БЕЗИ ТЎҚИМАЛАРИДАГИ
МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

14.00.02 – Морфология

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.1.DSc/Tib980 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Султонова Лола Джахонкуловна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Расулов Хамидулла Абдуллаевич
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Пулатов Дониёр Анварович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

Хожа Аҳмад Яссавий номидаги қозоқ-турк университети»
(Қозоғистон Республикаси)

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2025 йил 14 июл соат 11³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200126, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. e-mail: info@bsmi.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200126, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 12-уй).

Диссертация автореферати 2025 йил 3 июл куни тарқатилган.

(2025 йил 3 июлдаги 40-рақамли реестр баённомаси)

Ш.Ж. Тешаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Қ. Дўстова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

А.Р. Облоқулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси (PhD))

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнгги йилларда аҳолиси орасида сут беши саратони (СБС) билан касалланиш кўпайиб бормоқда, бу эса тиббий-ижтимоий, иқтисодий муаммоларга сабаб бўлмоқда. Айниқса, бу патологиянинг сут беши саратони ривожланиши уларни ташхислаш ва даволашда мураккаблик вужудга келтириши билан алоҳида ўрин тутмоқда. Аниқланишича «...сўнгги 20 йил давомида ўтказилган тадқиқотлар натижасича, беморларда сут беши саратони касалликлари 42% гача, турли сут беши касалликлар билан бирга келиши эса 80% гача кузатилиши...»¹ қайд этилган.

Жаҳоннинг иқтисодий ривожланган мамлакатларида сут беши саратони барча аёллар орасида онкологик касалликлар тузилишида етакчи ўринда туради. 1985-йилдан бошлаб бутун дунё аёлларида хавфли ўсмалар билан касалланиш тузилишида сут беши саратони биринчи ўринни эгаллаб келмоқда...»² кузатилиши патологиянинг кўп тарқалганлигидан гувоҳлик қилади. Бу ҳолат патология бошланғич босқичларининг аниқ клиник белгиларсиз кечиши, ҳам клиник, ҳам лаборатор текширувларда ўзгаришлар тўғрисида етарлича маълумотлар олиш имкониятининг, мутахассислар орасида ягона этиопатогенетик қарашлар йўқлиги билан изоҳланади. Келтирилган асослар ушбу тиббий муаммонинг даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш заруратини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва уни жаҳон талабларига тенглаштириш борасида мақсадли ва амалий тадбирлар амалга оширилмоқда, сут беши саратони олдини олиш, эрта ташхислаш ва комплекс даволашнинг самарадор усулларини ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар бажарилмоқда. Бу борада «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш...»³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар сут беши саратонини комплекс даволаш усулларини клиник-морфологик хусусиятлари, даволашни оптималлаштириш амалиётини амалга ошириш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари

¹Абдуллаева Н. Отдаленные результаты лекарственного лечения больных с метастазами тройного негативного рака молочной железы // Актуальные проблемы онкологии, 2021. – 72-73 с

²Симонов К. А., Старцева Ж. А.. Лучевая терапия рака молочной железы с учетом факторов прогноза. Сибирской онкологический журнал 2015, 1(1):76-83.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-60-сон Фармони

самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда иммуногистокимёвий усул ҳамда бошқа молекуляр-генетик усуллар ёрдамида олинadиган сут бези саратонининг янги биологик характеристикалари, айниқса операциядан кейин даволашни режалаштиришда, тобора кўп аҳамият касб этмоқда. Ишочли маълумотларни олиш учун ушбу омиллар устида қандай таҳлил ўтказиш зарурлиги ҳақида умумий тушунча мавжуд эмаслиги билан ҳам муаммо оғирлашади. Уларни башоратлашни аҳамиятини ўрганиш натижалари турли муаллифларда катта фарқ қилади, бунга сабаб турли лабораторияларда олинadиган натижалар ҳамда турли усуллардан фойдаланиш ҳисобланади (Gohring U.-J. et al., 2016; Allred D.C. et al., 2018).

Аммо баъзи тадқиқотлар, рецептор статуси ва ўсма хужайралари дифференциацияси даражаси ўртасида бевосита ўзаро боғлиқлик мавжуд эмаслигини кўрсатди. Шу билан бирга, ЭР мавжуд бўлмаслиги ядролар анаплазияси, шунингдек хужайраларнинг катта пролифератив фаоллиги билан боғлиқ (Вишнякова В.В. ва ҳаммуал., 2015;). Шубҳасиз, рецептор статуси прогноз омили сифатида аҳамиятли ҳисобланади ва гормон ёки кимё терапияси тайинланганида ортади ва камида прогноз кўрсаткичи ҳисобланиши мумкин (Ермилова В.Д., 2014; Lonning P.E., 2017; Rugo H.S., 2018).

Энг аввало, бу ЭР (эстроген рецепторлари) ва ПР (прогестерон рецепторлари) мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги бўйича сут бези саратони рецептор ҳолатини аниқлашга тегишли (Эмилова В.Д., 2022). Биокимё ва молекуляр биологияда эришилган муваффақиятлар туфайли, ҳозирги кунда тадқиқотчилар ва клиник амалиётда мутахассислар захирасида эрта сут бези саратонида башорат ишлаб чиқиш ҳамда жараён авж олганида адювант терапияни танлашга ёрдам берувчи биологик аҳамиятли кўрсаткичлар улкан миқдорда мавжуд. Шунга қарамадан, аксарият молекуляр маркерлар ҳозирча амалиётда мунтазам қўлланмайди, бу бундай тадқиқотларнинг юқори нархи ва маълумотлар интерпретацияси, кўплаб башоратлаш омилларини бир вақтда таҳлил қилиш мураккаблиги билан боғлиқ (Герштейн Е.С., Кушлинский Н.Е., 2015).

Бир қатор ишларда рецептор статус ва сут бези саратони дифференциацияси даражасининг эҳтимолий боғлиқлиги кўрсатилган, шундай қилиб ЭР ўсмаларда кўпинча сут бези саратони нинг юқори дифференциацияланган шакллари кўпроқ кузатилади ва аксинча, паст дифференциацияланган саратон, одатда, рецепторлар мавжуд бўлмаслиги билан боғлиқ (Зубрихина Г.Н. ва ҳаммуал., 2018; Bobula V., Kulczycka E., 2015). Эстроген рецепторлари сут бези саратонида кўпинча юқори ва мўътадил даражали дифференциация да аниқланишини бошқа муаллифлар ҳам келтиришган (Волченко Н.Н. ва ҳаммуал., 2016; Пожарисский К.М., 2000).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташҳислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларни ишлаб чиқиш» (2022-2026 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сут беши саратонида неадьювант кимётерапияни коррекциялаш таъсирида сут беши тўқималаридаги морфологик ўзгаришларнинг қиёсий таҳлилини аниқлашдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сут беши саратони мавжуд беморларда ўсманинг хавфлилиги, ўлчами ҳамда беморларнинг менструал статуси даражасига боғлиқ равишда уларнинг боғлиқлигини аниқлаш;

неадьювант кимётерапияни қўллаш тасирида саратонга учраган сут беши тўқималарида цитоморфологик ўзгаришлар динамикасини ўрганиш;

саратонга учраган сут беши тўқималарини иммуногистокимёвий усули (Ki-67, c-erbB-2, ER, PRA) билан аниқлаш;

сут беши саратонини кимётерапия билан бир вақтда спинулин биофаол қўшимчасини қўллаш тасирида комплекс даволаш фонида цитоморфологик ва иммуногистокимёвий кўрсаткичларни баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1456 нафар бемор аёллар текширилди, 150 нафар аёл назоратимизда бўлиб, улардан 120 нафари сут беши саратони билан оғриган беморлар ва 30 нафар сут беши саратони билан оғримаган аёллар бўлган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида сут беши саратонини комплекс даволаш усулларини клиник-морфологик кўрсаткичларини цитоморфологик, статистик ўрганиш ва солиштирма таҳлилини олиб бориш ишлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқотлар олиб боришда белгиланган вазифаларга боғлиқ равишда қуйидаги усуллар комплексидан фойдаланилди: клиник, морфологик, иммуногистокимёвий, цитологик ва статистик усуллар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сут беши саратонида ноадьювант кимётерапияга жавоб сифатида сут беши тўқималарида юз берган морфологик ўзгаришлари тўлиқ қиёсий таҳлил қилинган ҳамда тадқиқот натижалари асосида кимётерапиядан кейинги патоморфоз даражасини баҳолаш учун янги қўлланмалар ишлаб чиқилган;

кимётерапия коррекциясининг таъсирини аниқлашда кимётерапия схемаларини коррекциялаш (дозани ўзгартириш, препаратлар қўшиш) усуллари орқали сут беши тўқималаридаги морфологик ўзгаришларга таъсир даражаси аниқланган;

патоморфологик таҳлилда ER, PR, HER2, Ki-67 каби биомаркерлар экспрессияси кимётерапиянинг самарадорлигини баҳолашда қандай аҳамиятга эга экани илмий асослаган ва морфологик ўзгаришларнинг биомаркерлар экспрессияси билан боғлиқлиги статистик жиҳатдан исботланган;

кимётерапиядан кейинги хужайралар ўзгаришларининг даражаси асосида даволаш прогнозини аниқлашнинг янги меъёрлари ишлаб чиқилган ҳамда хужайра даражасидаги ўзгаришлар (апоптоз, пролиферация, ангиогенез) клиник

натижалар билан боғлиқлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тадқиқотларни олиб боришда олинган маълумотлардан сут беши тўқималарининг цитоморфологик таҳлилини ўтказишда ўсма дифференсацияси даражасини аниқлашда, шунингдек ўсманнинг биологик салоҳиятини аниқлашда фойдаланиш мумкинлиги исботланган.

Сут беши саратонининг комплекс даволашда клиник-морфологик ўзига хосликлари уйғунлигидан фойдаланиб, қўллаш касалликнинг кечувининг прогнози ва унинг эрта авж олиш хавфи даражаси тўғрисида маълумот олиш имконини беради, бунинг натижасида хавф гуруҳидаги бемор аёллар учун чуқурроқ кузатув тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий-тадқиқот ишида фойдаланилган замонавий, бир-бирини тўлдирувчи тажрибавий, цитологик, статистик усуллар қўлланилганлиги, етарли миқдордаги сут беши саратонини комплекс даволаш усуллари клиник-морфологик асослаш, олинган натижаларнинг назарий ҳамда амалий жиҳатдан тасдиқланганлиги, уларнинг хорижий ва ватандош тадқиқотчи олимлар томонидан олинган маълумотлар бўйича таққослаганда ишончлилиги, келтирилган хулосалар асосланганлиги, шунингдек ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотларнинг илмий аҳамияти сут беши саратонини комплекс даволаш усуллари клиник-морфологик асослаш, ривожланишининг морфологик хусусиятларини такомиллаштириш, клиник аломатларини аниқлашнинг ўзига хосликларини илмий асослаш, цитологик ва статистик усулларига баҳо берилган.

Ишнинг амалий аҳамияти амалиётга тадбиқ қилиш учун мукамаллаштирилган комплекс ёндашув ҳамда касалликнинг кескинлашувига огоҳлантириш сифатида сут беши саратонини комплекс даволаш усуллари клиник-морфологик асослаш, соҳанинг шаклланиши ва ривожланишининг морфологик хусусиятларини такомиллаштириш усуллари танлови таклиф қилинган, бунинг олдини олувчи самарали усуллари танлашга мукамаллаштирилган комплекс ёндашув таклиф қилинганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сут беши саратонида ноадьювант кимётерапияни коррекциялаш таъсирида сут беши тўқималаридаги морфологик ўзгаришларнинг қиёсий таҳлили бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: сут беши саратонида ноадьювант кимётерапияга жавоб сифатида сут беши тўқималарида юз берган морфологик ўзгаришлари тўлиқ қиёсий таҳлил қилинган ҳамда тадқиқот натижалари асосида кимётерапиядан кейинги патоморфоз даражасини баҳолаш учун янги қўлланмалар ишлаб чиқилганлиги Бухоро давлат тиббиёт институтининг Эксперт комиссиясининг 24 йил 13 майдаги 088-м/2024-сонли хулосаси билан тасдиқланган “Сут беши саратонида комплекс даволашни оптималлаштириш учун морфологик типланишни қиёсий баҳолаш” деб номланган услубий тавсиянома таркибига киритилган. Мазкур таклиф Республика

ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали (04.12.2023-йилдаги 60-сонли буйруқ), ҳамда Ромитан туман тиббиёт бирлашмаси (25.01.2024-йилдаги 1903-2-35-ТВ-сонли буйруқ) клиник амалиётига жорий этилди; *Ижтимоий самарадорлиги:* Сут беши саратони билан зарарланган беморларда зарарланиш аломатларини эрта ташхислаш, асосий касалликнинг асоратларини олдини олиш, касаллик оқибатини ўз вақтида башорат қилишнинг такомиллаштирилгани беморларнинг тезроқ соғайиб кетиши, беморларнинг шифохонада бўлиш кунларининг қисқариши, шу орқали беморларнинг ҳаёт сифати ва уларнинг соғломлаштириш ҳолатини ошириш имконини берди. *Иқтисодий самарадорлиги:* Тадқиқот давомида СБС нинг давоси мураккаблиги ва 10 кунлик даволанишга асосланган танланган даво усулларининг иқтисодий харажатлари ҳисоблаб чиқилди. Биз тадқиқот давомида ишлаб чиққан даво усулари натижасида 10 кунлик даволашга асосланган мезон асосида ишладик. 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1480000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 880000 сўмга тежалиши имконини берган. *Хулоса:* Нормал, патологик митозлар ва микроядроларга эга ҳужайралар ўртасида кўплаб корреляцияли алоқа даражасининг камайиши хавфлилик даражаси ортганида 8 баробар ва ўсма ўлчами ортганида 2,5 баробар бўлди, шунингдек турли микдорда микроядроларга эга бўлган ҳужайралар ўртасида корреляция алоқалари аҳамиятининг ортиши хавфлилик даражаси ортганида 2,5 баробар ортиши ўсма авж олган жараёнда генетик нотурғунликнинг ролини кўрсатади ва сут беши саратонининг агрессивроқ биологик потенциясини акс эттиради.

иккинчи илмий янгилик: кимётерапия коррекциясининг таъсирини аниқлашда кимётерапия схемаларини коррекциялаш (дозани ўзгартириш, препаратлар кўшиш) усуллари орқали сут беши тўқималаридаги морфологик ўзгаришларга таъсир даражаси аниқланганлиги Бухоро давлат тиббиёт институтининг Эксперт комиссиясининг 24 йил 13 майдаги 088-м/2024-сонли хулосаси билан тасдиқланган “Сут беши саратонида комплекс даволашни оптималлаштириш учун морфологик типланишни қиёсий баҳолаш” деб номланган услубий тавсиянома таркибига киритилган. Мазкур тақлиф Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали (04.12.2023-йилдаги 60-сонли буйруқ), ҳамда Ромитан туман тиббиёт бирлашмаси (25.01.2024-йилдаги 1903-2-35-ТВ-сонли буйруқ) клиник амалиётига жорий этилди; *Ижтимоий самарадорлиги:* Сут беши саратони билан зарарланган беморларда зарарланиш аломатларини эрта ташхислаш, асосий касалликнинг асоратларини олдини олиш, касаллик оқибатини ўз вақтида башорат қилишнинг такомиллаштирилгани беморларнинг тезроқ соғайиб кетиши, беморларнинг шифохонада бўлиш кунларининг қисқариши, шу орқали беморларнинг ҳаёт сифати ва уларнинг соғломлаштириш ҳолатини ошириш имконини берди. *Иқтисодий самарадорлиги:* Тадқиқот давомида СБС нинг давоси мураккаблиги ва 10 кунлик даволанишга асосланган танланган даво усулларининг иқтисодий харажатлари ҳисоблаб чиқилди. Биз тадқиқот давомида ишлаб чиққан даво усулари натижасида 10 кунлик даволашга асосланган мезон асосида ишладик. 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1480000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 880000 сўмга тежалиши имконини берган. *Хулоса:* Ўсма хавфлилик даражасининг ортиши

эстроген рецепторлари ($p=0,038$) ва прогестерон рецепторлари ($p=0,003$) экспрессиясининг камайиши билан тавсифланади. Эстроген рецепторлари ва прогестерон рецепторларининг бир вақтда манфий экспрессияси кузатилган ўсмалар 86% ҳолатда хавфлиликнинг юқори даражасига эга.

учинчи илмий янгилик: патоморфологик таҳлилда ER, PR, HER2, Ki-67 каби биомаркерлар экспрессияси кимётерапиянинг самарадорлигини баҳолашда қандай аҳамиятга эга экани илмий асослаган ва морфологик ўзгаришларнинг биомаркерлар экспрессияси билан боғлиқлиги статистик жиҳатдан исботланганлиги Бухоро давлат тиббиёт институтининг Эксперт комиссиясининг 24 йил 13 майдаги 088-м/2024-сонли хулосаси билан тасдиқланган “Сут беги саратонида комплекс даволашни оптималлаштириш учун морфологик типланишни қиёсий баҳолаш” деб номланган услубий тавсиянома таркибига киритилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали (04.12.2023-йилдаги 60-сонли буйруқ), ҳамда Ромитан туман тиббиёт бирлашмаси (25.01.2024-йилдаги 1903-2-35-ТВ-сонли буйруқ) клиник амалиётига жорий этилди; *Ижтимоий самарадорлиги:* Сут беги саратони билан зарарланган беморларда зарарланиш аломатларини эрта ташхислаш, асосий касалликнинг асоратларини олдини олиш, касаллик оқибатини ўз вақтида башорат қилишнинг такомиллаштирилгани беморларнинг тезроқ соғайиб кетиши, беморларнинг шифохонада бўлиш кунларининг қисқариши, шу орқали беморларнинг ҳаёт сифати ва уларнинг соғломлаштириш ҳолатини ошириш имконини берди. *Иқтисодий самарадорлиги:* Тадқиқот давомида СБС нинг давоси мураккаблиги ва 10 кунлик даволанишга асосланган танланган даво усуллариининг иқтисодий харажатлари ҳисоблаб чиқилди. Биз тадқиқот давомида ишлаб чиққан даво усулари натижасида 10 кунлик даволашга асосланган мезон асосида ишладик. 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1480000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 880000 сўмга тежалиши имконини берган. *Хулоса:* Ўсма тўқимасининг клиник-морфологик ва иммуногистокимёвий ўзига хосликлари ўртасида корреляцияли боғлиқлик микдорининг сезиларли даражада (3 баробардан ортиқ) камайиши ўсманинг авж олишга потенциал қобилиятдан гувоҳлик қилади.

тўртинчи илмий янгилик: кимётерапиядан кейинги хужайралар ўзгаришларининг даражаси асосида даволаш прогнозини аниқлашнинг янги меъёрлари ишлаб чиқилган ҳамда хужайра даражасидаги ўзгаришлар (апоптоз, пролиферация, ангиогенез) клиник натижалар билан боғлиқлиги асосланганлиги Бухоро давлат тиббиёт институтининг Эксперт комиссиясининг 24 йил 13 майдаги 088-м/2024-сонли хулосаси билан тасдиқланган “Сут беги саратонида комплекс даволашни оптималлаштириш учун морфологик типланишни қиёсий баҳолаш” деб номланган услубий тавсиянома таркибига киритилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали (04.12.2023-йилдаги 60-сонли буйруқ), ҳамда Ромитан туман тиббиёт бирлашмаси (25.01.2024-йилдаги 1903-2-35-ТВ-сонли буйруқ) клиник амалиётига жорий этилди; *Ижтимоий самарадорлиги:* Сут беги саратони билан зарарланган беморларда зарарланиш аломатларини эрта ташхислаш, асосий касалликнинг асоратларини олдини олиш, касаллик оқибатини ўз вақтида башорат қилишнинг такомиллаштирилгани беморларнинг

тезроқ соғайиб кетиши, беморларнинг шифохонада бўлиш кунларининг қисқариши, шу орқали беморларнинг ҳаёт сифати ва уларнинг соғломлаштириш ҳолатини ошириш имконини берди. *Иқтисодий самарадорлиги:* Тадқиқот давомида СБС нинг давоси мураккаблиги ва 10 кунлик даволанишга асосланган танланган даво усулларининг иқтисодий харажатлари ҳисоблаб чиқилди. Биз тадқиқот давомида ишлаб чиққан даво усулари натижасида 10 кунлик даволашга асосланган мезон асосида ишладик. 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1480000 сўмга, бюджетдан ташқари маблағларни 880000 сўмга тежалиши имконини берган. *Хулоса:* Клиник-морфологик ва иммуногистокимёвий кўрсаткичлар уйғунлиги-дан фойдаланиб ишлаб чиқилган дискриминант таҳлил квадрат функцияси асосида диагностика алгоритми ўтказилган радикал жарроҳлик йўли билан даволашдан кейин сут беzi саратонининг эрта авж олиш хавфини 88,2% гача ишончилиқда аниқлаш имконини беради, бу ҳозирги кунда фойдаланилаётган чизикли дискриминант таҳлил ишончилигидан (61,83%) юқори.

Илмий янгиликларни соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Бухоро давлат тиббиёт институтининг 2024 йил 28-октябрдаги №04/10159-сонли хати юборилган. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 26-ноябрдаги 9-сонли йиғилиш баённомасига асосан илмий тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиғи буйича хулоса олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотлар долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Сут беzi саратонини комплекс даволаш усулларини клиник-морфологик асослашга қаратилган замонавий қарашлар» деб номланган биринчи бобида сут беzi саратонининг тарқалиши, сут беzi саратонига олиб келувчи этиологик сабаблар ҳамда касалликнинг пато – морфогенези, сут беzi саратонини баҳолашнинг математик усуллари, сут беzi саратонини эпидемиологияси, патогенези, таснифланиши, клиникаси ва

диагностикаси, сут беши саратонини даволашга қаратилган замонавий ёндашувлар, сут беши саратони билан оғриган инсонлардаги анъанавий даволашни клиникада қўллаш тажрибаси хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар илмий манбалари ўрганилган ва шарҳланган.

Диссертациянинг «Тадқиқотдаги сут беши саратони мавжуд бемор аёллардаги клиник-морфологик текшириш усуллари» деб номланган иккинчи бобида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали марказий поликлиникаси, текширув ва маслаҳат бўлимига мурожаат қилган Бухоро вилояти шаҳар ва туман поликлиникаларида яшаш манзили бўйича “Д” ҳисобда бўлган, сут беши саратони билан оғриган 25-65 ёш оралиғидаги 2020-2023 йилларда кўрув профилактика натижасида мурожаат қилган 1456 нафар бемор аёллар текширилди. Илмий ишда шу контингентдаги аёллар ичидан 120 нафар бемор аёллар тадқиқотга олинган. Тадқиқот давомида қўйилган вазифаларга мувофиқ 150 нафар аёл назоратимизда бўлиб, улардан 120 нафари сут беши саратони билан оғриган беморлар ва 30 нафар сут беши саратони билан оғримеган аёллар олинган (1-жадвал).

1-жадвал

Тадқиқот давомидаги аёлларнинг текширилган ёш даражалари.

Беморларнинг ёши	Тадқиқот усуллари			
	Кузатув		Назорат	
	Бемор сони	%	Аёллар сони	%
25-35 ёш	23	19,2	8	26,8
36-45 ёш	30	25,0	5	16,6
46-55 ёш	32	26,6	9	30,0
56-65 ёш	35	29,2	8	26,6
Жами	120	100	30	100

Назорат гуруҳидаги беморлар сут беши саратонидан азият чекмаган. Уларда вирусли-инфекцияли касалликларга мойиллик бўлмаган, бошқа сурункали соматик касалликлар, клиник ва биокимёвий қон текширувларида аномалиялар бўлмаган, тадқиқотдан камида бир ой олдин юқумли касалликларга чалинмаган контингентлар олинган.

Сут беши саратони ташхиси клиник-морфологик хусусиятлари асосида тадқиқот амалга оширилган. Белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун махсус тадқиқот усуллари мажмуасидан фойдаланилган (2-жадвал).

2-жадвал

Тадқиқот давомида қўлланиладиган текшириш усуллари


Текшириш усуллари	Тадқиқот	Назорат
Цитоморфологик текшириш	120 нафар	30 нафар
Морфологик текшируви	120 нафар	30 нафар
Иммуногистокимёвий текшируви	120 нафар	30 нафар
Ускунавий текширув усулларида нур диагностикаси - УТТ-назорати - Икки проекцияда маммография	120 нафар	30 нафар

Тадқиқот давомидаги кузатув гуруҳидаги сут беши саратони билан

оғриган беморлар даволаш усулига қараб 2 та катта гуруҳга ажратилган (2-расм).

Цитологик тадқиқотлар учун СБС дан азият чекаётган, 25 ёшдан 65 ёшгача бўлган 120 нафар бемор аёлларнинг био-материалларидан фойдаланилган.

Тадқиқотдаги аёллар организмида гормонлар билан боғлиқликни ўрганиш учун уларни бўлиб чиқдик. 61 нафар бемор менопауза даврида бўлди, 47 нафаридан эса менструал функция сақланган ва 12 нафар бемор аёлларда постменопауза бўлган (1-расм).



1-расм. Тадқиқотдаги аёллар организмида гормонлар билан боғлиқлик даражалари (нафар)

Диссертациянинг «Сут беи саратони мавжуд беморларда неъадювант кимётерапиядан олдин ва кейинги цитоморфологик тадқиқотларни хусусий текшириш натижалари» деб номланган учинчи бобидан Эпителиал хужайралар кўрсаткичлар динамикасининг кўп миқдорда бўлиши, шиллик қават юзасида ишлаб чиқаришни таъминлайди. Ушбу эпителиал хужайраларнинг текширилиши ва уларда кузатилган атипия ва ўзгаришлар организм иммун тизимининг, шу жумладан, маҳаллий яллиғланишнинг фаоллашгани нишонасидир. Альвеоляр хужайралар (Лактоцитлар) тўплами касаллик белгиларининг эрта намоён бўлган беморларида 41,17 ни ва касаллик белгилари эрта намоён бўлмаган беморларида эса 34,21 ни ташкил қилди. Миоэпителиал хужайралар тўплами касаллик белгиларининг эрта намоён бўлган беморларида 38,26 ни ва касаллик белгиларининг эрта намоён бўлмаган беморларида 35,17 ни ташкил қилди (3-жадвал).

3- жадвал

Тадқиқот гуруҳлари беморларида неъадювант кимётерапияни қўллаш тасиридан олдинги эпителиал хужайралар кўрсаткичлари динамикаси, $M \pm m$


Цитологик тадқиқотлар, хужайра элементлари	Тадқиқот гуруҳлари	
	Касаллик белгилари эрта намоён бўлган (n=31)	Касаллик белгилари эрта намоён бўлмаган (n=89)
I. Эпителиал хужайралар	74,43±2,43	71,88±2,30
Базал	-	-
Авеоляр хужайралар (Лактоцитлар)	41,17±1,53	34,21±1,65
Миоэпителиал хужайралар	38,26±1,70	35,17±1,61
Атипик хужайралар	25,34±1,34	19,23±1,25

Изоҳ: Гуруҳлар ўртасида фарқлар ишончлилиги ($p > 0,02$)

Кўкрак беши саратонига чалинган беморларда неъадювант кимётерапияни қўллашдан олдин эпителий хужайралари параметрларининг динамикаси касалликнинг дастлабки белгилари бўлган ва бўлмаган гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқларни кўрсатади.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари эпителий хужайраларининг ҳолатини баҳолаш ва неъадювант кимётерапияга жавобни башорат қилиш учун эрта ташхис қўйиш ва касаллик белгиларини аниқлаш муҳимлигини таъкидлайди. Эрта аломатлари бўлган гуруҳдаги хужайралар сонининг юқори бўлиши кўкрак тўқималарида фаол жараёнларни ва бу беморларни даволашда эҳтиёткорлик билан кузатиш ва индивидуал ёндашув зарурлигини кўрсатиши мумкин.

Хусусан, эпителиал хужайралар кўрсаткичлар динамикаси кўкрак беши саратони мавжуд беморлар касаллик белгилари эрта намоён бўлган гуруҳида, касаллик белгилари эрта намоён бўлмаган беморлари кўрсаткичларига нисбатан 0,64 мартага ишонарли даражада юқори бўлгани аниқланди – мос равишда 74,43 га қарши 71,88 ($p < 0,02$) (2-расм).




2-расм. Эпителиал хужайралар кўрсаткичлар динамикаси (%)

Агар цитопатология аломатлари билан кўрсаткичлар динамикасининг мавжуд бўлиши, унга қарши яллиғланиш юзасидаги цитологик текширувларига иштирок этиши ҳамда цитологик ҳолатини таъминлашдаги асосий ўрнини ҳисобга олсак, улар миқдорий жиҳатдан ортишини асослаш мумкин. Вакуолизирланган цитоплазма тўплами касаллик белгилари эрта намоён бўлган беморларида 0,45 ни ва касаллик белгилари эрта намоён бўлмаган беморларида 0,41 ни ташкил қилди.

Деформацияланган ядро тўплами касаллик белгилари эрта намоён бўлган беморларида 0,49 ни ва касаллик белгилари эрта намоён бўлмаган беморларида 0,43 ни ташкил қилди. Базофил қўшимчалар тўплами касаллик белгилари эрта намоён бўлган беморларида 0,09 ни ва касаллик белгилари эрта намоён бўлмаган беморларида 0,07 ни ташкил қилди. Контаминирланган хужайралар тўплами касаллик белгилари эрта намоён бўлган беморларида 0,39 ни ва касаллик белгилари эрта намоён бўлмаган беморларида 0,30 ни ташкил қилди. Фагирловчи хужайралар тўплами касаллик белгилари эрта намоён бўлган беморларида 0,18 ни ва касаллик белгилари эрта намоён бўлмаган беморларида 0,12 ни ташкил қилди. Бизнинг фикримизча касаллик белгилари эрта намоён бўлган беморларда цитопатология аломатлари билан кўрсаткичлар тўплами

касаллик белгилари эрта намоён бўлмаган касаллик фонининг мавжудлиги ва кўкрак беzi саратонининг таъсири натижасида ошганлигининг гувоҳи бўлди.



3-расм. Неъадювант кимётерапияни қўллаш тасиридан олдинги саратонга учраган сут беzi тўқималарида цитоморфологик ўзгаришлар.

Романовский-Гимза билан бўялган. 10x20 катталаштирилган. 1-ёз вакуллари (томчиси); 2-эпителиал хужайранинг некрозга учраши (емирилиши); / 3- ядронинг устига ядрочанинг аниқ кўриниши (митоз); 4- битта цитоплазмада 2 та ядронинг бўлиши (атипия).

Бириктирувчи тўқимадаги хужайра кўрсаткичлари динамикаси кўкрак беzi саратони мавжуд беморлар, касаллик белгилари эрта намоён бўлган гуруҳида, касаллик белгилари эрта намоён бўлмаган беморлар кўрсаткичларига нисбатан 5,28 мартага ишонарли даражада юқори бўлгани аниқланди – мос равишда 48,56 га қарши 43,84 ($p < 0,02$) (4-жадвал).


4-жадвал

Тадқиқот гуруҳлари беморларида даволашдан олдинги Бириктирувчи тўқима хужайра кўрсаткичлар динамикаси, $M \pm m$

Бириктирувчи тўқима хужайралар	Тадқиқот гуруҳлари	
	касаллик белгилари эрта намоён бўлган (n=31)	касаллик белгилари эрта намоён бўлмаган (n=89)
III. Бириктирувчи тўқима хужайралар	48,56±1,69	43,84±1,61
ПМЯҲ	37,9±1,63	31,3±1,60
Шикастланмаган хужайралар	2,97±0,15	2,05±0,13
Очиқ ядроли хужайралар	3,29±0,19	2,98±0,13

Изоҳ: Гуруҳлар ўртасида фарқлар ишончлилиги ($p > 0,02$)

Неъадювант кимётерапия - жаррохлик даволашдан олдин саратонга қарши препаратларни қўллаш. Кенгроқ маънода «неъадювант терапия» атамаси онкологияда қўлланилади: у нафақат кимётерапия, балки мақсадли, гормональный препаратлар, иммунотерапия ва радиацион терапияларни ҳам ўз ичига олади.



4-расм. Комплекс довалаш таъсиридан кейинги саратонга учраган сут беги тўқималарида цитоморфологик ўзгаришлар.

Романовский-Гимза билан бўялган. 10x20 катталаштирилган. 1- хужайра ядроси катталашган ядроча деярли кўринмайди; 2- атипик ядроча кўринмайди; 3- эпителиал хужайра ўлчами кичрайди (патоморфоз), кўп ядроли хужайралар сони камайган.

Кўкрак беги саратони мавжуд беморларни комплекс даволаш фонида кўкрак беги юмшоқ тўқималарининг клиник яхшиланиши цитологик тадқиқотлар билан ҳам тасдиқланди, яъни хужайра таркибининг сезиларли қайта тикланиши кузатилди.

5-жадвал

Тадқиқот гуруҳлари беморларида неъадювант кимётерапия ва биофаол қўшимча спинулинани комплекс қўллаш тасиридан кейинги эпителиал хужайралар кўрсаткичлари динамикаси

Цитологик тадқиқотлар, хужайра элементлари	Даволашдан олдинги		Даволашдан кейинги	
	Касаллик белгилари эрта намоён бўлган (n=31)	Касаллик белгилари эрта намоён бўлмаган (n=89)	Касаллик белгилари эрта намоён бўлган (n=31)	Касаллик белгилари эрта намоён бўлмаган (n=89)
I. Эпителиал хужайралар	74,43±2,43	71,88±2,30	76,90±1,07	82,71±1,07
Базал	-	-	-	-
Авеоляр хужайралар (Лактоцитлар)	41,17±1,53	34,21±1,65	45,19±1,63	64,21±1,61
Миоэпителиал хужайралар	38,26±1,70	35,17±1,61	44,26±1,73	45,17±1,31
Атипик хужайралар	25,34±1,34	19,23±1,25	15,14±1,13	8,23±1,05

Изоҳ: Гуруҳлар ўртасида фарқлар ишончлилиги ($p > 0,02$)

Даволаш комплекси таъсирида бўлган кўкрак тўқималарини цитологик ўрганиш натижасида қуйидаги цитоморфологик ўзгаришлар аниқланди:

1. Хужайра ядроси: ядро ҳажмининг ўсиши кузатилади, ядро деярли

кўринмас бўлади. Бу нормал хужайра циклининг бузилишини ва хужайраларнинг фаол кўпайишини кўрсатиши мумкин.



2. Ядроларнинг атипиклиги: намуналарда атипик ядролар топилмади, бу ушбу босқичда ўсимта трансформациянинг аниқ белгилари йўқлигини кўрсатиши мумкин.

3. Эпителия хужайралари ҳажмининг ўзгариши: эпителия хужайралари ҳажмининг пасайишини (патоморфоз) кўрсатади, бу тўқималарнинг функционал ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, кўп ядроли хужайралар сонининг камайиши кузатилади, бу атипик хужайра дифференциацияси ва кўпайиш жараёнида бузилишларни кўрсатади, яъний атирик хужайраларнинг йуқолиб бориши ҳақида дарак беради (5-жадвал).

Кўкрак беши саратони билан оғриган беморларни комплекс даволашдан сўнг кўкрак тўқималарида содир бўладиган жараёнларни аниқроқ ва аниқроқ тушуниш учун, шу жумладан, биофаол спиролина кўшимчаси билан биргаликда неъадювант терапия, биз 5-жадвални тақдим этдик ва бунда эпителий хужайралари сони мураккаб даволанишдан кейин кўпайиши аниқ кўрсатилган.

Диссертациянинг «Саратонга учраган сут беши тўқималарининг морфологик хусусиятларини иммуногистокимёвий усули билан аниқлаш» деб номланган тўртинчи бобда саратонга учраган сут беши тўқималарини иммуногистокимёвий усул билан Ki-67 оқсилни аниқлаш. Неъадювант терапия ва биофаол кўшимча спиролина билан комплекс даволашдан олдинги кўкрак беши хавфли ўсимтаси тўқимасида Ki-67 оқсили (пролифератив индекс) экспрессияланиши даражаси:

	
Умумий аниқланган хужайралар сони	3283
Позитив хужайралар	1787
Негатив Хужайралар	1496
Позитив Экспресия	54,43 %
Умумий майдон	1937179 px ²

5-расм. Неъадювант терапия ва биофаол кўшимча спиролина билан комплекс даволашдан олдинги кўкрак беши хавфли ўсимтаси тўқимасида Ki-67 оқсили (пролифератив индекс) экспрессияланиши даражаси. Даб хромоген усулида бўялган. 400 марта катталаштирилган тасвир. QuPath-0.4.0.inк. дастурида сканер қилинган ва экспрессияланиши даражаси аниқланган. Экспрессияланган хужайралар қизил рангда (54,43%) – юқори даражадаги агрессив ўсма. (3+)

Тадқиқотда Ki-67 оқили (пролифератив индекс) экспрессиясининг даражаси фоизлар билан баҳоланди. Экспрессиянинг даражалари енгил, ўрта ва кучли сифатида классификация қилинди: 15% дан кам — паст даражадаги пролиферация; 16-30% — ўртача агрессив ўсма; 30% дан ортиқ — юқори даражадаги агрессив ўсма. Ушбу натижалар, Ki-67 оқили экспрессиясининг юқори даражадаги агрессив ўсмалар билан боғлиқлигини ва даволаш стратегиясини белгилашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Эстероген (ER) ва прогестерон (PR) рецепторлари. Эстероген ва прогестерон асосий аёл жинсий гормонларидир. Улар тухумдонлар томонидан ишлаб чиқарилади ва аёлнинг репродуктив тизимининг асосий регуляторлари ҳисобланади. Рецепторлар турли тўқималарда, шу жумладан сут безлари ва бачадонда мавжуд. Эстроген (ER) ва прогестерон (PR) рецепторлари ўсимта хужайраси юзасида (мембранасида) локализация қилинган оқсил табиатидаги моддалардир. Аёл жинсий гормонлари таъсирида рецепторлар янги ўсимта хужайралари пайдо бўлишини рағбатлантирадиган комплекс ҳосил қилади. Ушбу механизмнинг йўқ қилиниши гормон терапиясининг асосидир.

ХУЛОСА

1. Тадқиқотда Ki-67 (пролифератив индекс) экспрессиясининг даражаси фоизлар билан баҳоланганда фақат кимётерапия олган беморларга нисбатан бир вақтда кимётерапия ва спинулин олган беморларда юқори даражада эканлиги аниқланилди. Олинган натижаларга кўра, умумий аниқланган хужайралар сони 3283 бўлиб, шундан 1787 хужайралар позитив, 1496 хужайралар негатив бўлган. Позитив экспрессия 54,43% ни ташкил этган яъни 1,19 марта юқори даражада эканлиги исботланди.

2. HER-2 экспрессиясининг иммуногистохимёвий бўйлаб натижалари юқори агрессивликка эга бўлган хужайраларнинг катта сонини кўрсатади ва даволаниш методини танлашда алоҳида эътибор талаб қилади. HER2-мусбат шакллари бўлган беморларда опреациядан кейинги даврларда спинулин қўлланилганда клиник натижаларни яхшиланиш имкониятларини берган.

3. Морфогистологик таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, кимётерапиядан кейинги сут бези тўқималарининг деярли барча қисмида патоморфоз белгилари, дисплазияга хос хужайралар пайдо бўлиши кузатилди, бундан шу хулосага келиш мумкинки, неъадювант кимётерапиянинг соғлом тўқималарга ҳам салбий таъсир кўрсатиши аниқланилди.

4. Ушбу тадқиқотда неъадювант кимётерапиядан олдин ва кейин, шунингдек, биофаол кўшимча спинулин ёрдамида комплекс даволаш пайтида сут бези саратони учламчи негатив формаси билан оғриган беморларда эстроген ва прогестерон рецепторларининг ифодаси сифатида жами 3537 хужайра таҳлил қилинганда спинулин билан даволаш бошланишидан олдин ўрганилган хужайраларнинг деярли ярми эстроген ва прогестерон экспрессияланиш даражаси баланд бўлган юқори агрессивликни кўрсатди. Спинулин билан терапиядан сўнг ушбу рецепторлар даражасининг пасайиши даволанишга ижобий жавоб реакцияси ва ўсма агрессивлигининг пасайишини кўрсатди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 ПРИ
БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ
ИМЕНИ АБУ АЛИ ИБН СИНА**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ
ИМЕНИ АБУ АЛИ ИБН СИНА**

РУЗИЕВА ШАХЛО ДУРДИҚУЛОВНА

**СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ МОРФОЛОГИЧЕСКИХ ИЗМЕНЕНИЙ
ТКАНИ МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ ПОД ВЛИЯНИЕМ КОРРЕКЦИИ
НЕАДЪЮВАНТНОЙ ХИМИОТЕРАПИИ ПРИ РАКЕ МОЛОЧНОЙ
ЖЕЛЕЗЫ**

14.00.02 – Морфология

14.00.14 – Онкология

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам

Бухара – 2025

Тема диссертационной работы доктора философии по медицинским наукам (PhD) зарегистрирован за номером B2024.1.DSc/Tib980 в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистана.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте имени Абу Али ибн Сина.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-сайте научного совета (www.bsmi.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научные руководители:	Султонова Лола Джахонкуловна доктор медицинских наук, доцент
Официальные оппоненты:	Расулов Хамидулла Абдуллаевич доктор медицинских наук, профессор Пулатов Дониёр Анварович доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	Международный казахско-турецкий университет имени Ходжи Ахмеда Ясави (Республика Казахстан)

Защита диссертации состоится 14 июля 2025 года в 11³⁰ часов на заседании Разового научного совета по присуждению ученых степеней DSc.04/29.02.2024.Tib.93.01 при Бухарском государственном медицинском институте. (Адрес: 200126, г. Бухара, ул. Гиждуванская, 23., e-mail: info@bsmi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована под № ____). (Адрес: 200126, г. Бухара, ул. Гиждуванская, 23).

Автореферат диссертации разослан 3 июля 2025 года.

(Протокол реестра № 40 от 3 июля 2025 года)

Ш.Ж. Тешаев

Председатель разового Научного совета на основе Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Н.К. Дустова

Ученый секретарь разового Научного совета на основе Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук (DSc), доцент

А.Р. Облокулов

Председатель разового научного семинара при разовом Научном совете на основе научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире последние годы отмечается рост заболеваемости раком молочной железы (РМЖ) среди населения, что вызывает медико-социальные и экономические проблемы. В частности, эта патология занимает особое место в связи с тем, что развитие рака молочной железы создает трудности в их диагностике и лечении. Установлено, что «... в результате исследований, проведенных за последние 20 лет, заболеваемость раком молочной железы у пациенток составляет до 42%, а его сочетание с различными заболеваниями молочной железы наблюдается до 80%...»¹.

В то же время, во всех экономически развитых странах мира «...рак молочной железы занимает лидирующие позиции в структуре онкологических заболеваний среди женщин. С 1985 года рак молочной железы занимает первое место в структуре заболеваемости злокачественными опухолями у женщин во всем мире...»², что свидетельствует о широком распространении патологии. Это состояние объясняется тем, что начальные стадии патологии протекают без четких клинических признаков, невозможностью получения достаточной информации об динамике как клинических, так и лабораторных исследований, отсутствием единого этиопатогенетического подхода у специалистов. Приведенные доводы свидетельствуют о необходимости совершенствования методов лечения и профилактики данной медицинской проблемы.

В процессе становления нового Узбекистана в нашей стране реализуются целенаправленные и практические меры по реформированию системы здравоохранения и приведению ее в соответствие с мировыми требованиями, реализуются меры по разработке эффективных методов профилактики, ранней диагностики и комплексного лечения рака молочной железы. В связи с этим были поставлены задачи «...повышения эффективности, качества и популярности медицинской помощи, а также формирования системы медицинской стандартизации, внедрения высокотехнологичных методов диагностики и лечения...»³. Эти задачи рассматриваются как одно из актуальных научных направлений для внедрения клинических и морфологических особенностей комплексных методов лечения рака молочной железы, в практику оптимизации лечения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, обозначенных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-6110 «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ» от 12 ноября 2020 года, № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022–2026 годы» от 28 января 2022 года, в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-4887 «О

¹Абдуллаева Н. Отдаленные результаты лекарственного лечения больных с метастазами тройного негативного рака молочной железы // Актуальные проблемы онкологии, 2021. – 72-73 с

²Симонов К. А., Старцева Ж. А. Лучевая терапия рака молочной железы с учетом факторов прогноза. Сибирской онкологический журнал 2015, 1(1):76-83.

³Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному улучшению системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года

дополнительных мерах по обеспечению здорового питания населения» от 10 ноября 2020 года, № ПП-4891 «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике» от 12 ноября 2020 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данном направлении.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан VI «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. В настоящее время все большее значение приобретают новые биологические характеристики рака молочной железы, полученные с помощью иммуногистохимических методов и других молекулярно-генетических методов, особенно при планировании лечения после хирургического вмешательства. Благодаря достижениям в области биохимии и молекулярной биологии, в настоящее время в распоряжении исследователей и практических врачей появилось большое количество биологически значимых показателей, помогающих разрабатывать прогноз при раннем раке молочной железы и выбирать адъювантную терапию в случае прогрессирования процесса. Проблема усугубляется также отсутствием единого понимания того, какой анализ следует проводить по этим факторам для получения достоверных данных. Результаты изучения их прогностической ценности сильно различаются у разных авторов, что обусловлено результатами, полученными в разных лабораториях, и использованием разных методов (Gohring U-J. et al., 2016; Allred D.C. et al., 2018).

Однако в некоторых исследованиях показано, что прямой корреляции между рецепторным статусом и степенью дифференцировки опухолевых клеток нет. В то же время отсутствие ER ассоциируется с ядерной анаплазией, а также с высокой пролиферативной активностью клеток (Вишнякова В.В. и др., 2015;). Очевидно, что рецепторный статус как прогностический фактор считается значимым и увеличивается при назначении гормона или химиотерапии и может рассматриваться минимум как прогностическим показателем (Ермилова В.Д., 2014; Lonning P.E., 2017; Rugo H.S., 2018).

Прежде всего, это касается определения рецепторного статуса рака молочной железы по наличию или отсутствию ER (рецепторов эстрогена) и PR (рецепторов прогестерона) (Ермилова В.Д., 2022). В ряде исследований показана возможная корреляция между рецепторным статусом и степенью дифференцировки рака молочной железы, так, ER-опухоли чаще ассоциируются с высокодифференцированными формами рака молочной железы, и, наоборот, низкодифференцированный рак, как правило, связан с отсутствием рецепторов (Зубрихина Г.Н. и др., 2018; Бобула В., Кульчицкая Э., 2015). То, что рецепторы эстрогена часто обнаруживаются при раке молочной железы с высокой и средней степенью дифференцировки, цитируют и другие авторы (Волченко Н.Н. и др., 2016; Пожарисский К.М., 2000).

Однако большинство молекулярных маркеров пока не нашли рутинного применения на практике, что обусловлено высокой стоимостью таких исследований, сложностью интерпретации данных и одновременного анализа множества прогностических факторов (Герштейн Е.С., Кушлинский Н.Е., 2015).

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научно-исследовательских работ Бухарского государственного медицинского института в рамках темы «Раннее выявление, диагностика, разработка новых методов лечения патологических состояний, влияющих на здоровье населения Бухарского оазиса в период после COVID-19» (2022-2026 гг.).

Целью исследования является установление сравнительного анализа морфологических изменений тканей молочной железы, вызванных коррекцией неоадьювантной химиотерапии при раке молочной железы.

Задачи исследования:

определить взаимосвязь у больных с раком молочной железы между риском, размером опухоли и уровнем менструального статуса больных;

изучить динамику цитоморфологических изменений в тканях молочной железы, подвергающимся онкологическому заболеванию в результате применения неоадьювантной химиотерапии;

выявить раковые ткани молочной железы иммуногистохимическими методами (Ki-67, c-erbB-2, ER, PRA) ;

оценить цитоморфологические и иммуногистохимические показатели на фоне комплексного лечения рака молочной железы с применением биоактивной добавки спирулины одновременно с химиотерапией.

